



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2024

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


1. Жаҳонгирбек Жонқобилов СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
2. Обиджан Мадаминов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
3. Акмал Менглибоев СУРХОН ВОҲАСИДА 1921-1922 ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ.....	15
4. Baxtiyor Nazirov XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI VA MAVJUD MUAMMOLAR.....	22
5. Mukhiddinjon Primov O‘ZBEKISTONDA KARTOGRAFIK FAOLIYATNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARNING QO‘LLANILISHI.....	28
6. Asror Raximov QARSHI CHO‘LI TARIXIGA NAZAR.....	35
7. Kamoliddin Toshov IKKINCHI JAHON URUSH YILLARIDA SURXONDARYO VILOYATI AHOLISINING G‘ALABAGA QO‘SHGAN MUNOSIB HISSASI.....	42
8. Sanjarbek Shoyimov SOVET-AFG‘ON URUSHIDA O‘ZBEKISTONNING ISHTIROKI VA URUSHNING U UCHUN SALBIY OQIBATLARI.....	49
9. Ikrom Xudayberdiyev DYURAND CHEGARA CHIZIG‘IGA AFG‘ONISTON VA POKISTONNING MUNOSABATI.....	57
10. Иззат Юсупов МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” БУХОРО САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	63
11. Шерзоджон Чориев АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	69
12. Мардон Хасанов ХОРАЗМДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР (ХРИСТИАНЛИК МИСОЛИДА).....	76



Иzzат Султонович Юсупов,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч
филиали. Ёшлар масалалари ва маънавий
маърифий ишлар буйича директорнинг биринчи ўринбосари.
тарих фанлари буйича фалсафа доктори, доцент.
izzat.sultanovich@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” БУХОРО САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Izzat S. Yusupov. THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF "UZBEKISTAN POST" BUKHARA SAMARKAND AND NAVOIY BRANCHES IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 1, pp.63-68

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10614767>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “Ўзбекистон почтаси”нинг Бухоро Самарқанд ва Навоий филиалларида соҳа ривож учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида олиб борилаган ишлар билан бир қаторда почта алоқасининг ажралмас таркибий қисми бўлган почта транспорти соҳаси тубдан ислоҳ қилиниши ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар, электроскутерлар ва велосипедлар билан таъминланиши натижасида почта жўнатмаларини ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилиши таъминлаш борасида олиб борилган ишлар тарихига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Алоқа вазирлиги, термопринтерлар, бандероль, электрон пул ўтказмалари, е-хат, е-хужжат, пенсия, алоқа, биллинг, суғурта.

Иzzат Султонович Юсупов,
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии. Первый заместитель
директора по делам молодёжи и по духовно-просветительской работе.
Доктор исторических наук, доцент. izzat.sultanovich@mail.ru

"ПОЧТА УЗБЕКИСТАНА" В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ. ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ БУХАРСКОГО, САМАРКАНДСКОГО И НАВОИЙСКОГО ФИЛИАЛОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье, наряду с работой по внедрению информационно-коммуникационных технологий для развития отрасли в Бухарском, Самаркандском и Навоийском филиалах «Почты Узбекистана», проводится коренная реформа отрасли почтового транспорта, которая является неотъемлемой частью почтовой связи, а также современных автомобилей, электросамокатов и велосипедов, произведенных в нашей стране в результате обеспечения,

уделено внимание истории проведенной работы по обеспечению своевременной и бесперебойной доставки почтовых отправлений.

Ключевые слова: Министерство связи, термопринтеры, бандероль, электронные денежные переводы, электронное письмо (e-xat), электронный документ (e-xujjat), пенсия, связь, биллинг, страхование.

Izzat S. Yusupov,

Tashkent Medical Academy Urganch branch First vice deputy director for youth affairs and spiritual and educational affairs.

Doctor of Philosophy in History, Associate Professor.

izzat.sultanovich@mail.ru

THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF "UZBEKISTAN POST" BUKHARA SAMARKAND AND NAVOIY BRANCHES IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

In this article, along with the work on the introduction of information and communication technologies for the development of the industry in the Bukhara, Samrkand and Navoi branches of Uzbekistan Post, a radical reform of the postal transport industry is being carried out, which is an integral part of postal communications, as well as modern cars, electric scooters and bicycles produced in our country as a result of provision, attention is paid to the history of the work carried out to ensure timely and uninterrupted delivery of postal items.

Index Terms: Ministry of Communications, thermal printers, banderol, electronic money transfers, e-mail, e-document, pension, communication, billing, insurance.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида почта алоқа тизими соҳасида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Соҳага доир янги инфратузилмалар яратилди. Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида тараққиётга эришишда алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг мутаҳкам ўрни бор. Глобаллашув жараёнида бу соҳанинг нуфузи, аҳамияти янада ошди. Энди бу соҳа мутахассисларисиз юксак натижаларга эришиш мушкул бўлиб қолди. Бир пайтлар мазкур соҳа заҳматқашларига нисбатан оддий почтачи-да, деган қарашлар энди бутунлай йўқолди. Почта алоқаси орқали хабарларни тезкор етказиш, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, фуқароларда юксак ҳуқуқий, маданиятни шакллантириш турли халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик-ни таъминлашдаги ўрнини алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Шунингдек почта алоқаси орқали юборилаётган хабарларнинг аниқлиги ҳар бир мамлакатнинг ижобий имиджини шаклланишидаги роли медиа тадқиқот марказларида таҳлил этиб борилмоқда.

2. Методлар ва ўрганганлик даражаси:

Мустақиллик йилларида “Ўзбекистон почтаси” Бухоро Самарқанд ва Навоий филиалларнинг ривожланиш жараёни ҳамда унинг аҳоли ҳаётидаги ўрни тарихийлик тамойилига амал қилинган ҳолда тадқиқ қилинган. Тадқиқотда илмий таҳлилнинг анализ ва синтез, даврийлик, тарихий ва тавсифий ёндашувлар каби усуллардан фойдаланилди.

Ўзбекистонда почта алоқа соҳасининг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнларини ўрганишда маҳаллий олимлар эътибор қаратишган. Хусусан Ў. Мавлонов, С. Аҳмедов, Б. Умаровлар томонидан тайёрланган ва 2014 йилда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрдан чиқарилган “Ўзбекистон почтаси: тарих ва тараққиёт” китобида, Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари Л. Н. Жўраев Ғ.Р. Маматқулов, Р.Ф. Худойбердиев ва Б.И. Аҳтамов ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Замонавий почта алоқаси” номли ўқув қўлланмасида республикада почта алоқа хизматининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи қисман акс эттирилган. Абдуғани Абдурахмонов раҳбарлиги ва таҳрири остида 2022 йилда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрдан чиқарилган “Янги

Ўзбекистон – рақамли дунё” китобида ҳам бази маълумотлар келтирилган. Кўрсатилган адабиётларда фақат истиклол йилларида “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган лекин вилоятлардаги ҳудудий филиаллар фаолияти ҳақида маълумотлар қисман келтирилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1991 йилда Ўзбекистонда почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхоналари таркибидаги бўлимлар негизда почта алоқаси мустақил бирлашмаси ҳамда уларнинг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилди. Аҳолининг ва халқ хўжалигининг почта алоқаси ва матбуот хизматида бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ кондириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва алоқа воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1992 йил 28 февралдаги 34-сонли буйруғига кўра 1992 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг “Ўзбекистон почтаси” почта алоқаси ва матбуотни тарқатиш давлат корхоналари концерни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилиши белгилаб берилди [1].

Ўзбекистон почтаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, 1992 йилда телекоммуникациядан ажралиб чиқди ва мустақил хизмат сифатида ўз фаолиятини юрита бошлади. Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамасдан 196 та туман, шаҳар филиаллари ва 300 дан ортиқ алоқа бўлимларини сақлаб қолишга эришилди. Ўша вақтда филиал ва бўлимларнинг 3/2 қисми қишлоқ жойларида аҳолига хизмат кўрсатган. Магистрал почта ташиш хизматлари бўйича 38 та авиа йўналишлари, 5 та темирйўл, 400 га яқин автомобил маршрутлари ёрдамида кунига минглаб хатлар, пул жўнатмалари, посылкалар, нафақалар, газета ва журналлар миллионлаб истеъмолчиларга етказиб беришни 15 мингдан кўпроқ почта ходимлари таъминлаган. Почта соҳасида тезкор почта хизмат кўрсатиш корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Анъанавий хизмат турларидан ташқари аҳолига қулайлик яратиш учун почта алоқа бўлимлари ва филиалларида коммунал хизмат, телефон, электр-энергия учун ҳақ тўлаш, мол-мулкни суғурта қилиш, лотарей билетлари харид қилиш, почта орқали жўнатиш, олиш, электрон почтадан фойдаланиш сингари бир қатор янги хизмат турлари ташкил этилган[2].

1992 йилдан “Ўзбекистон почтаси” Бухоро филиали почта алоқаси хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда 12 та туман почта алоқа боғламалари, 114 та алоқа бўлимлари орқали вилоятнинг барча ҳудудлари бўйлаб почта хизматлари кўрсатилмоқда. Бошқарув аппарати ходимлари сони 39 нафар бўлиб, умумий ходимлар сони 400 нафарни ташкил этади. Асосий хизмат тури почта алоқаси хизмати билан биргаликда ҳозирги кунда аҳолидан солиқ, коммунал, жарима тўловлари ҳамда банк хизматлари кўрсатиб келинапти. Почта жўнатмаларини ўз вақтида етказилиши ва кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида Бухоро шаҳри ҳамда ҳудудлар кесимида 60 дана электромобиллар билан хизмат қилиш ташкил қилинди. Шу билан биргаликда хат-хабарларни етказилишини назорат қилиш учун янги дастур SHIPOX дастури йўлга қўйилди. Почта алоқаси хизматини бажарувчи барча почта объектлари 167 дана замонавий компьютер билан почтальонлар эса 98 дана термопринтерлар билан таъминланган[3].

Самарқанд филиали таркиби 1 та шаҳар, 14 та туман почта тармоқлари, 160 та қишлоқ алоқа бўлимлари ҳамда 2 та кўчма алоқа бўлими киради. Филиалда 1446 нафар ходим меҳнат қилган. 2014 йил филиал бўйича ўртача бир ойлик почта айрибошлаш кўрсаткичлари: 497908 та даврий матбуот нашри, 156651 та хат, бандероль, почта карточкалари ва пакетлар, 1442 та посылка, 10194 та пул ўтказмаси, 250100 та пенсия ва нафақа тўловлари ўз эгаларига етказиб берилди[4]. 2016 йилда Самарқанд филиалида почта алоқа тармоқларидаги компьютерлар сони 408 тага етказилиб корпоротив ва локал тармоққа уланди. Филиал ва барча ПАТларда Электрон пул ўтказмалари, Тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими, Е-ХАТ, Е-Хужжат, “Пенсия”, “Алоқа” ҳамда рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари назорат дастурлари ишга туширилган, маълумотлар алмашишнинг локал ва корпоротив тармоғи жорий этилди [5].

Шунингдек, почта жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш ишлари автоматлаштирилган тартибда йўлга қўйилган. Дилерлик хизматларини кўрсатиш мақсадида “Unitel” МЧЖ билан шартнома тузилиб, сим-карталарни сотиш йўлга қўйилган. Ушбу хизматни кенгайтириш учун “UMS” ҳамда “Perfektum” компаниялари билан ҳам шартномалар тузилган. Почта хизматидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун алоқа объектларида 167 та терминал аппаратлари билан таъминланди. Эндиликда почта ходимлари барча тўловларни хонадонларида ҳам расмийлаштириб бериш имкониятига эга бўлишди[6].

2020 йилда филиал 16 та почта боғламасидан иборат бўлиб, тўртта туманлараро йўналишда аҳоли, корхона ва ташкилотларга почта жўнатмалари ва даврий нашрларни етказиш йўлга қўйилган. Вилоят бўйича 265 та, шундан шаҳар ҳудудларида 80 та, қишлоқ жойларида 185 та етказиб бериш участкалари фаолият олиб борган. 215 та алоқа бўлимида 683 нафар ходимлар аҳолига почта алоқа хизматини кўрсатиб келган. Аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилган почта хизматларидан 2021 йил якунлари бўйича 15 млрд. 645 млн. сўм даромад олинди, 2020 йил (10,3 млрд.сўм)га нисбатан даромадлар 51 фоизга ошди. 2021 йил давомида 855,0 минг (3,4 млрд) дондан ортиқ хат-хабарлар, обуначиларга 1 млн. 900 минг (1,3 млрд.сўм) нусхада газета ва журналлар (ўсиш 23%), 7,4 минг (2,3 млрд. сўм) дондан ортиқ посылка (ўсиш 9%), 100 минг (1,3 млрд.сўм)дан ортиқ пул ўтказмалари (ўсиш 13%), 212,7 мингта (1,4 млрд. сўм) гибрид почта жўнатмалари (ўсиш 203%) етказиб берилиши таъминланган[7].

Филиалнинг моддий техник базасини янгилаш ва вилоят ҳудудида почта жўнатмаларини манзилгача етказиб бериш учун почта алоқа тармоқлари 2021 йили 7 та “Дамас”, 4 та Volkswagen Caddy ҳамда 21 та электроскутерлар билан таъминланган. 17 та почта алоқа бўлими биноси таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилган. 35 та бўлим ягона корпоратив дизайн асосида жиҳозланган. 34 та бўлимга оптик толали алоқа линиялари тортилиб, охириловчи қурилмалар билан таъминланган. 67 та бўлимда 33 турдаги давлат хизматлари, 34 та бўлимда банк ҳамда суғурта хизматлари кўрсатиш жорий этилган. Почта алоқа бўлимлари 193 та замонавий компьютер, 181 та принтер ва 100 та кўп функцияли мобил қурилмалар билан таъминланган. Янги хизмат турларини жорий этиш орқали 18 та янги иш ўрни яратилган. Пойариқ почта алоқа боғламаси маъмурий биносини таъмирлаш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 312,0 млн.сўм ва филиал маблағлари ҳисобидан 140,0 млн. сўм ажратилиб, замонавий кўринишда таъмирланган. Замонавий услубда таъмирланган Самарқанд почта алоқа боғламаси биноси фойдаланишга топширилган[8].

Истиқлол йилларида “Ўзбекистон Почтаси” АЖ Навоий филиали тузилмасига 1та шаҳар ва 8 та туман почта тармоқлари, 17 та шаҳар ва 92 та қишлоқ алоқа бўлимлари ҳамда 2 та кўчма алоқа бўлими кирган. 2014 йил филиал бўйича ўртача бир ойлик почта айрибошлаш кўрсаткичлари: 248500 та даврий матбуот нашри, 116667 та хат, бандероль, почта карточкалари ва пакетлар, 1667 та посылка, 8677 та пул ўтказмаси, 88033 та пенсия ва нафақа тўловлари ўз эгаларига етказиб берилган. Вилоятнинг алоқа бўлимлари ўзларига белгилаган режаларни ўз вақтида бажариб келишган[9]. Хусусан, Томди алоқа бўлимида уч нафар почтачи меҳнат қилиб, улар томонидан иккита мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси ва иккита шифохона, шунингдек, 4000 та хонадонда яшовчи 3692 нафар аҳолига почта алоқаси хизматлари кўрсатилган. Ушбу бўлим томонидан 2017-2020 йилларда 59,3 миллион сўмлик почта алоқаси хизматлари кўрсатилиб, режалар ўртача 102,1 фоизга бажарилган[10].

Вилоятнинг Бешработ туманлараро почта алоқаси тармоғи “Янгигазган” алоқа бўлими ходимлари ҳам аҳоли ва корхона-ташкilotларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиб келинган. Бўлим томонидан ҳудуддаги “Янгигазган” ва “Саржал” овул фуқаролар йиғинларига, саккизта аҳоли маскани ва 9 та умумталим мактаби, иккита болалар боғчаси, иккита қишлоқ врачлик маскани, шунингдек, 1500 хонадонда яшовчи 4600 нафар аҳолига почта алоқаси хизматлари кўрсатилган. 2020 йилнинг январ-феврал ойларида 23,9 миллион сўмлик почта алоқаси хизматлари кўрсатилиб, режалар ўртача 100 фоиздан ортиғига бажарилган. Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида коммунал хизмат тўловларини қабул қилиш натижасида ҳар

йили 126,5 миллион сўм маблағ давлатга топширилган.

2019 йилда алоқа бўлими ходимлари томонидан 3356 дона хат-хабарлар, 187 дона электрон пул ўтказмаси, 66 дона жўнатма ва бандероллар қабул қилинган бўлса, 2020 йилнинг январ – феврал ойларида 621 дона хат-хабарлар, 354 дона пул ўтказмаси, 21 дона жўнатма ва бандероллар қабул қилинишга эришилиб, режалар тўлиқ бажарилган. Вилоят марказидан олисда жойлашган бўлишига қарамасдан, ҳар иккала алоқа бўлими “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясининг “Биллинг” тизимига уланган. “Электрон пул ўтказмалари”, “Мунис” тизими ва молиявий тўловлар бўйича операциялар пластик карточкалар орқали қабул қилиш тизими йўлга қўйилган[11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича” ўтказган йиғилиши ҳамда 2020 йил 14 декабрда имзолаган “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 4921-қарорида берилган вазифалар ижроси натижасида “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар[12] юз берди.

4. Хулосалар:

1. Истиқлол йилларида “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг ҳудудий филиалларида ҳам почта тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда хизматлар турини кўпайтиришга эътибор қаратилди. Банк хизматлари хат-хабарларни етказилишини назорат қилиш учун янги дастурлар йўлга қўйилиб маълумотлар алмашишнинг локал ва корпоратив тармоғи жорий этилди. Шу билан бирга почта алоқаси объектларида тадбиркорларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг электрон тижорат орқали республика ҳудудида етказиб бериш ҳамда хорижий давлатлар интернет савдо майдончалари орқали сотиш хизматлари йўлга қўйилди.

2. “Ўзбекистон почтаси” АЖ ҳудудий филиалларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори эканлигини такидлаш лозим. ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларида битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларини соҳа корхоналари муаммолари ва ишлаб чиқариш муассасалари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмалари асосида бажариладиган битирув ишлари сонини ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

3. “Ўзбекистон почтаси” АЖ веб сайти (VVV.pochta.uz) каби унинг филиалларида ҳам замонавий веб сайтлар яратилса мижозларга янада кенгроқ шарт-шароитлар яратилган бўларди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. ЎзМА, М-2007-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ. (National archive of Uzbekistan, fund -M-2007, list -1, work - 1, sheet -1.)
2. Маҳмудов М. Почта соҳасининг ривожланиш йўналишлари. Алоқа дунёси, 2001 1(2). – Б.8. (Mahmudov M. Directions of development in the postal sector. The world of communication, 2001 1(2). – P.8.)
3. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиалининг 2022 йил 5-октябрдаги 29-35-07-11/652 сонли жавоб хати. – Б.1. (Reply letter of the Bukhara branch of "Uzbekistan Post" No. 29-35-07-11/652, Issue 5 of 2022. - P.1.)
4. Мавланов, Ў.,Ахмедов, С.,Умаров, Б. Ўзбекистон почтаси: тарих ва тараққиёт. – Б.218. (Akhmedov, S. Mavlanov, U. Umarov B. Uzbekistan post history and development. - Tashkent: 2014. - P. 218.)
5. Иброхимов И. Почтада электрон дастурлар. // "Хабар" газетаси, 2016, 8 июль , 28(1242). – Б. 5. (Ibrakhimov I. Electronic programs in the mail. // "Khabar" newspaper, 2016, July 8, 28(1242). - P. 5.)
6. Yusupov, I. (2022). The history of the rise of the postal communication system to a new level in Uzbekistan during the years of independence. Sharqshunoslik. Востокведение. Oriental Studies, (03), 92-97.

7. Ҳотамов А. Самарқанд почтаси ислохотлар билан ҳамқадам. // "Хабар" газетаси, 2022, 31 март, 13(1539). – Б. 4. (Hotamov A. Samarkand Post is in step with the reforms. // "Khabar" newspaper, March 31, 2022, 13(1539). - P. 4.)
8. Юсупов И. Мустақиллик йилларида Хоразмда почта алоқа тизимининг янги босқичга кўтарилиш тарихи //Қадимий Жиззах воҳаси–Марказий осийё цивилизацияси тизимида (сийсий, иқтисодий, маданий ҳаёт). – с. 272. (Yusupov I. The history of the rise of the postal communication system in Khorezm to a new level during the years of independence //Ancient Jizzakh oasis-in the system of Central Asian civilization (political, economic, cultural life). - P. 272.)
9. Юсупов, Иzzат Султанович. "Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда почта алоқа тизимининг моддий техник базасини ривожланиш тарихи." взгляд в прошлое 5.10 (2022). (9. Yusupov Izzat Sultanovich. "The history of the development of the material and technical base of the postal communication system in Uzbekistan during the years of independence. "vzglyad v proshloe" 5.10 (2022).)
10. Юсупов И. История подъема системы подготовки персонала на новый уровень в системе коммуникаций в новом Узбекистане //Актуальные проблемы истории Узбекистана. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 549-554. (Yusupov I.S. "The history of raising the personnel training system to a new level in the communication system in new Uzbekistan // Current problems of the history of Uzbekistan". – 2022. – Т. 1. – No. 1. -Ps. 549-554.)
11. М. Ҳосилова Навоий почтасида қўшалок қувонч . "Хабар" газетаси, 2020, 15 май август, 15 (1437). – Б. 5. (Hosilova M. Double joy at Navoi's mail. "Khabar" newspaper, May 15, 2020, August 15 (1437). - B. 5.)
12. Маъсул муҳарир Абдуғани Абдурахмонов. Янги Ўзбекистон – рақамли дунё. . — Тошкент: "Тасвир", 2022. – Б.150. (The responsible editor is Abdugani Abdurakhmanov. New Uzbekistan is a digital world. - Tashkent: "Tasvir", 2022. - P.150.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000